

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ШИРМАТОВ СИРОЖИДДИН ТАДЖИДИНОВИЧ

ЭТНИК МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР ФАОЛЛАШУВИ
ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУЛОҚОТ
МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАЗМУНИ
(инглиз тили мисолида)

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Pedagogical Sciences**

Ширматов Сирожиддин Таджидинович

Этник маданият алоқалар фаоллашуви шароитида талабаларнинг мулоқот маданиятини ривожлантириш мазмуни (инглиз тили мисолида)..... 3

Ширматов Сирожиддин Таджидинович

Содержание развития культуры общения студентов в условиях активизации этнокультурных связей (на примере английского языка)..... 23

Shirmatov Sirojiddin Tadjidinovich

The Content of development of a culture of students' communication in the context of the activation of ethnic – cultural relations (on example of English language)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ШИРМАТОВ СИРОЖИДДИН ТАДЖИДИНОВИЧ

ЭТНИК МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР ФАОЛЛАШУВИ
ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУЛОҚОТ
МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАЗМУНИ
(инглиз тили мисолида)

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.2.Phd/Ped145 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетиди бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент давлат педагогика университети веб-сайти (www.tdpu.uz) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Рўзиева Дилноз Исомжоновна**
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Ахмедова Лайло Толибжановна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Жуманазаров Умид Умирзакович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: **Самарқанд Давлат чет тиллар университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги педагогика фанлари бўйича илмий даража берувчи DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01. рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил “10” сентябрь соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2020 йил “30” сентябрь кун тарқатилди
(2020 йил “___” _____ да ___-рақамли реестр баённомаси)



В.Х.Джурев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф.,

Р.Т.Исянов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, п.ф.д., доцент

А.Х.Маҳмудов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълимнинг халқаролашуви, этник маданий алоқалар фаоллашуви шароитида талабаларда мулоқот маданиятини ривожлантиришнинг креатив технологиялари таълим жараёнига татбиқ этилган. БМТнинг “Минг йиллик декларацияси” доирасида 2014-2021 йиллар учун мўлжалланган “Ўртача тезлик стратегияси” (“Medium-Term Strategy for 2014-2021”)да эса мазкур даврда ўқитиш жараёнини фаоллаштириш, таълим сифатини ошириш, мутахассисларни касбий тайёрлашнинг ягона малака талабларини ишлаб чиқиш асосида бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлик даражасини динамик ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантириш, шахслараро мулоқотда талабаларнинг имкониятларидан фойдаланиш, мулоқот воситасида ижтимоий субъектларда толерантликни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга талабаларда мулоқот маданиятини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш, этник маданий алоқалар фаоллашуви шароитида турли таълим муассасалари ўртасида билимлар ва талабаларни алмашиш, стандартларни такомиллаштириш, таълим мақсадларига эришиш билан боғлиқ ютуқлар соҳасидаги тараққиёт мониторингини амалга ошириш бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда чет тилларни халқаро малака талаблари асосида самарали ўқитиш тизимини жорий этиш, шу соҳада рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг моддий техник базасини шакллантириш, жаҳоннинг нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда талабалар томонидан инглиз тилида самарали мулоқот қилиш малакаларини ривожлантиришнинг меъёрий асослари яратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да “юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш, олий таълим муассасаларида компетентли илмий педагогик кадрлар захирасини яратиш”¹ этник маданий алоқалар фаоллашуви шароитида талабаларнинг мулоқот маданиятини ривожлантиришга етарли шароитлар яратиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги, 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сон “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон Фармони. 07.02.2017.

124-сон “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисига Мурожаатномаси каби ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иктисодиётни ривожлантириш” йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ишланганлик даражаси. Республикамізда Н.Алауддинова, М.Аминов, Ж.Ж.Жалолов, А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов, Н.Маҳмудов, Х.Ғ.Шарафутдинова, А.Т.Нурманов, Н.Маҳмудов, А.Рафиев, И.Йўлдошевларнинг илмий-методик ишларида чет тилларни самарали ўқитиш, инглиз тили фани ўқитувчиларининг касбий малака ва маҳоратларини ошириш, инглиз тили ўқитиш методикасини такомиллаштириш, шахслараро мулоқот, уни ташкил этиш, бу жараёнда шахс мулоқот маданиятининг намоён бўлиши тадқиқ этилган.

Чет тилларни ўрганиш, инглиз тилида самарали ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари, психологик моҳияти, инглиз тилига асосланган мулоқот жараёнини ташкил этиш омиллари, йўллари, методик таъминоти, хорижий тилларни ўрганишнинг замонавий тамойиллари Н.Д.Гальскова, Н.И.Гез, Е.Г.Кашина, И.Л.Колесникова, О.А.Долгина, А.Ю.Малафеев, Р.П. Мильбруд, Н.С.Найденова, Р.С.Немов, Н.В.Парадеева, Е.Н.Пикеева, Н.Н.Плотникова, Т.П.Попова, С.Б.Ступина, Н.Н.Трубаневалар томонидан олиб борилган тадқиқот ишларида ўз ифодасини топган. Шахснинг мулоқот маданияти, ўқувчи ва талабаларда мулоқот компетентлиги ва маданиятини ривожлантиришга инновацион ёндашув моҳияти, замонавий ахборот ва педагогик технологиялар воситасида хорижий тилларни ўқитиш самарадорлигини ошириш масалалари М.В.Андрюнина, Е.Б.Батракова, Л.А.Валеева, Е.Н.Воронова, М.Н.Евстигнеев, Я.Р.Егорова, А.А.Максаев, А.Н.Махмутова, Ю.В.Митрукова, А.Ф.Морозова, М.А.Петренко, А.Ф.Сиразеева, П.В.Сысоев, Т.М.Тарханова, Г.М.Чопсиевалар томонидан ўрганилган.

Инглиз тилини интенсив ўрганиш, шу мақсадга хизмат қиладиган веб-квест технологияси, инглиз тилига асосланган оғзаки ва ёзма мулоқотнинг устувор тамойиллари Максимилиан Берлиц (Maximilian Berlitz), Генри Свит (Henry Sweet), Франсуа Гуэн (Francois Guoin), Франсуа Клоссе (Francois Closse), Георгий Лозанов (George Lozanov), Гарольд Палмер (Harold Palmer), Макс Вальтер (Max Walter), Мишел Уэст (Michael West) каби педагог-олимларнинг илмий изланишлари учун асосий йўналиш сифатида танланган.

Диссертация тадқиқотининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети Илмий кенгашининг 2016 йил 22 декабрда тасдиқланган “Тошкент давлат

педагогика университетиди 2017-2021 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш бош стратегияси”нинг “Таълим олувчиларда инглиз тилида мулоқот қилиш маданияти, тил компетенцияларини ривожлантириш” номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: этник маданий алоқалар фаоллашуви шароитида талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантириш мазмунини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

этник маданий алоқалар фаоллашуви шароитида талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини фалсафий, педагогик, психологик ва тилшуносликка оид адабиётларда ёритилишини таҳлил қилиш;

хорижий тажрибалар асосида (www.englishcentral.com, www.usalearns.org, www.englishpage.com, www.eslcafe.com, www.lets-talk-in-english.com, www.englishclub.com, www.listen-and-write.com, www.menglishpages.com, www.newsinlevels.com, www.languageguide.org/english, www.fraze.it) сайтлар фаолиятини таълим жараёнига татбиқ этиш технологияларини туркумлаштириш;

ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятлари асосида талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантириш моделини такомиллаштириш;

инновацион ёндашув (“Мулоқот клиникаси”, “Мулоқотнинг онлайн муҳити”, “Онлайн тез ёрдам” номли фаол мулоқот технологиялари) асосида талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини эгаллаганлик даражасини аниқлаш мезонларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти этник маданий алоқалар фаоллашуви шароитида талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантириш мазмунини такомиллаштириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети этник маданий алоқалар фаоллашуви шароитида талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик фаолият мазмуни, шакли ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари педагогик, психологик ва тилшуносликка оид адабиётларни ўрганиш; қиёсий таҳлил; анкета; тест; суҳбат; педагогик кузатиш; интервью; педагогик тажриба; эксперт баҳолаш; математик-статистик метод.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг инглиз тилидаги мулоқот маданияти видео материалларга асосланувчи веб-ресурсларни (ахборотли матнлар, машқ ва ўйинли видео материаллар ва эшитиш малакасини) ривожлантирувчи веб-сайтлар тарзида индивидуаллаштириш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантириш модели Telegram ва Facebook ижтимоий тармоқларида

мулоқот жараёнини уюштириш ўқув-методик ахборотларни тизимлаштириш орқали интеграллашган ахборот таълим муҳитини яратиш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг мулоқот маданиятини ривожлантириш технологиялари рефлексив ва виртуал таълим технологияларини интеграциялаш асосида ривожлантирилган;

талабаларда инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятининг ривожланганлик даражаси репродуктив, продуктив, креатив, қисман изланувчан тамойиллари ўзини-ўзи баҳолаш мезонлари ва индивидуал ривожлантирувчи тренингларни оптималлаштириш асосида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришга оид дидактик таъминот ҳамда Facebook ва Telegram ижтимоий тармоқларида “The art of communication” (“Мулоқот санъати”) номли саҳифа яратилган;

ривожлантириш технологиялари (“Мулоқот клиникаси”, “Мулоқотнинг онлайн муҳити”, “Онлайн тез ёрдам” номли фаол мулоқот технологиялари билан бойитилган;

талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини эгалланганлик даражасини аниқлаш мезонлари асосланган;

талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришда замонавий ахборот-коммуникацион технологияларнинг функционал ва дидактик имкониятларидан фойдаланишга оид тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотнинг методологик ва методик асосга эгалиги; кўп босқичлилиги; босқичлар ўртасидаги фарқлар асосида тавсия этилган методиканинг самарадорлиги; тажриба-синов ишлари натижаларини таҳлил қилишнинг репрезентативлиги; тўпланган маълумотларнинг ҳаққонийлиги; Стьюдент-Фишер методи ёрдамида статистик таҳлил қилинганлиги; олинган натижалар асосли эканлигининг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Этник маданий алоқалар фаоллашуви шароитида талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантириш жараёни (мақсади, вазифалари, босқичлари, устувор тамойиллари, баҳолаш мезонлари)нинг назарий жиҳатдан тавсифланганлиги; этник маданий алоқалар фаоллашуви шароитида талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантириш методикаси ва технологиялари (“Мулоқот клиникаси”, “Мулоқотнинг онлайн муҳити”, “Онлайн тез ёрдам”)нинг такомиллаштирилганлиги, талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятига эгалик даражасини баҳолаш мезонлари (продуктив (таянч мулоқот даражаси), репродуктив (мустақил мулоқот даражаси), қисман изланувчан (эркин мулоқот даражаси), креатив (мукаммал даража)нинг

асосланганлиги; илмий-методик тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартлари”, “Чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар”, шунингдек, “Инглиз тили” ўқув фани (хорижлик тадбиркорлар, сайёҳлар билан божхона муносабатларини инглиз тилида ташкил этиш) мазмунан бойитилганлиги, илмий-методик ишланмаларнинг тайёрланганлиги, ОТМнинг “Божхона иши” ихтисослиги “Инглиз тили” фани ўқитувчилари томонидан қўлланиладиган дидактик таъминот амалий-методик ишланмалар ва янги технологиялар билан бойитилган; Facebook ва Telegram ижтимоий тармоқларида “The art of communication” (“Мулоқот санъати”) номли платформанинг ташкил этилганлиги; синов ишларига жалб этилган тажриба гуруҳи талабаларининг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятига эгалик даражасининг (сифат кўрсаткичи 16,4 фоизга) ошганлиги, инглиз тили таълимининг сифати яхшиланиб, самарадорлиги таъминланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Этник маданий алоқалар фаоллашуви шароитида талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантириш бўйича илмий натижалари асосида:

компьютер дастурлари асосида талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришга оид таклифлар “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартлари”, “Чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар” “Божхона иши” ихтисослиги талабалари учун тайёрланган “English for customs” ўқув қўлланмасининг мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 21 февралдаги 89-03-753-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг медиавоситалар орқали хорижий тилларни ўрганиш натижадорлиги ортган;

Facebook ва Telegram ижтимоий тармоқларида “The art of communication” (“Мулоқот санъати”) номли саҳифалардан фойдаланиш бўйича берилган таклиф ва тавсиялар талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришга оид методика хорижий тажрибалар – Портфолио (Portfolio), талабанинг ўқув-таълимий махсулотлари конверти (Learning Educational Activities Packet – LEAP), Кейс-технология (Keys-stadi), Веб-квест (Web Quest) тизимлар мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 21 февралдаги 89-03-753-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг виртуал майдондаги фаоллиги ортиш имконияти яратилган;

инновацион ёндашув асосида инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятига эгалик даражасини баҳолаш мезонлари ҳамда талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришга оид таклифлар “Инглиз ва немис тилларини ўрганиш бўйича ўқув-услугий модуллардан (ЎУМ) фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришнинг назарий

ва амалий асослари” номли грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 21 февралдаги 89-03-753-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг этник ҳамкорлик шароитида мулоқот маданиятига оид компетенциялари ривожлантирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро, 14 та республика илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола (9 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 157 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган; унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга татбиқи, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Этник маданий алоқалар фаоллашуви шароитида талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантириш ижтимоий-педагогик зарурият эканлиги, талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришга оид хорижий тажрибалар ҳамда талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати ёритилган.

Тил – мулоқотнинг энг муҳим воситаси. Шу сабабли мулоқот жараёнида муайян миллат тилига хос хусусиятлар бевосита акс этиши билан бирга шахснинг маданий ёндашуви ҳам ўз ифодасини топади. Мулоқот ва унинг негизида акс этадиган тил маданияти шахслараро мулоқотни, ижтимоий тарбияни ташкил этишда ўзига хос аҳамиятга эга. М.В.Андрюнининг қайд этишича, мулоқот ҳамда ижтимоий тарбиянинг самарадорлигини таъминлашда қуйидаги модуллардан фойдаланиш кутилган натижага эришилишини таъминлайди: эҳтиёж-рағбатлантирувчи омиллар устуворлигига асосланган

модул (унда муайян миллат тилини ўрганишга бўлган эҳтиёж ва шахснинг бу борадаги интилиш ва ҳаракатларини рағбатлантирувчи омиллар етакчи ўрин тутуди); ҳиссий-қадриятли омиллар етакчилигини ифодаловчи модул (у тил (нутқ)ни ҳиссий қабул қилиш, мулоқот жараёнининг қадриятли йўналтирилганлиги шахслараро муносабатлар мазмуни, йўналиши ва натижаларини белгилаб беради); назарий билимларни бойитишга имкон берувчи омиллар муҳим ўрин тутадиган модул (унда муайян тил хусусиятлари пухта ўзлаштирилганлигини намоён этувчи билимдонлик кўзга ташланади); муайян тилни чуқур билишни амалий жиҳатдан ифодаловчи (фаолиятли) модул (нутқнинг ахлоқий-коммуникатив сифатларга эга бўлиши, нотиклик, муайян тилдаги луғат бойлигини мустақил бойитиш).

Тадқиқотни олиб бориш жараёнида мавжуд тадқиқотлар, соҳага тааллуқли адабиётлар билан танишиш асосида диссертант томонидан муаммонинг назарий тавсифини бойитишга хизмат қиладиган тушунчалар педагогик нуқтаи назардан таърифланди.

Этник маданий алоқаларнинг фаоллашуви – глобал ахборотлашув шароитида турли этник бирлик (элат, миллат, халқ)лар вакиллари ўртасида ижтимоий-маданий (таълим, адабиёт, санъат, фан) соҳаларида ўзаро алоқаларни ўрнатишга бўлган қизиқиш ва интилишнинг кучайиши.


Инглиз тилига асосланган мулоқот – шахслар ўртасида инглиз тилида тегишли тил қоидаларига мувофиқ бевосита учрашиб ёки ахборот-коммуникация воситалар (мактуб, уй ва мобил телефон, компьютер, Интернет тармоғи) ёрдамида билвосита ташкил этиладиган ўзаро фикр алмашиш.

Инглиз тилига асосланган мулоқот маданияти – шахслар ўртасида инглиз тилида тегишли тил қоидаларига мувофиқ бевосита учрашиб ёки ахборот-коммуникация воситалар (мактуб, уй ва мобил телефон, компьютер, Интернет тармоғи) ёрдамида билвосита ташкил этиладиган суҳбатни самарали, муваффақиятли уюштира олиш қобилиятига эгалик.

Диссертацияда талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантириш – икки ёки ундан ортиқ шахслар ўртасида инглиз тилида тегишли тил қоидаларига мувофиқ бевосита учрашиб ёки ахборот-коммуникация воситалар (мактуб, уй телефони, мобил телефон, компьютер – Интернет тармоғи) ёрдамида билвосита ташкил этиладиган суҳбатни самарали, муваффақиятли уюштира олиш қобилиятини тарбиялашга йўналтирилган жараён; шу мақсадда ташкил этилаётган педагогик фаолият деб таърифланган.


Талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантириш жараён сифатида маълум тамойиллар асосида ташкил этилади. Тадқиқот даврида назарий таҳлил, талабалар фаолиятини кузатиш, ОТМ фаолиятини ўрганиш, соҳага доир илмий-тадқиқотларнинг натижалари билан танишиш асосида талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот

маданиятини ривожлантириш жараёнида қуйидаги тамойилларнинг устувор аҳамиятга эгаллигига ишонч ҳосил қилинди (1-расм):




1-расм. Талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришнинг устувор тамойиллари

Диссертацияда ҳар қандай жараён сингари талабаларда инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантириш маълум босқичларда кечади. Назарий таҳлил асосида диссертант томонидан талабаларда инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришга қаратилган жараён қуйидаги босқичларда кечади деган хулосага келинди (2-расм):



2-расм. Талабаларда инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришнинг асосий босқичлари

Тадқиқотни олиб бориш даврида талабаларда инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантириш жараёнини ўзида акс эттирувчи модел таклиф этилди (3-расм):



3-расм. Талабаларда инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантириш жараёнининг модели

Талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришда бу борадаги хорижий тажрибалар ҳам амалий қийматга эга. Шу сабабли талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган қарашлар, ёндашувлар ҳамда методикалар ўрганилди. Ўрганиш натижалари Г.Суит, М.Берлиц, Ф.Гуэн, Г.Палмер, Г.Лозанов, М.Валтер, Ф.Клоссе, М.Уэст каби машхур педагог-олимларнинг назариялари, таржимасиз метод, шунингдек, интерфаол ҳамда инновацион ёндашувлар талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини кўрсатди. www.englishcentral.com, www.usalearns.org, www.englishpage.com, www.eslcafe.com, www.lets-talk-in-english.com, www.englishclub.com, www.listen-and-write.com, www.menglishpages.com, www.newsinlevels.com, www.languageguide.org/english, www.fraze.it каби Интернет сайтларининг эса талабалар томонидан турли шароитларда ўқитувчи раҳбарлигида ёки мустақил равишда инглиз тилига асосланган мулоқот маданияти сифатларини ўзлаштиришга амалий ёрдам бериш имкониятига эгаллиги аниқланди.

Асословчи тажриба даврида тадқиқот мақсадига эришишга йўналтирилган педагогик фаолият икки йўналишда амалга оширилди: ОТМда инглиз тилини ўқитишнинг мавжуд ҳолатни назарий таҳлил қилиш; респондент-талабалар томонидан инглиз тилида эркин мулоқот қилиш малакаларини ўзлаштириш даражасини аниқлаш орқали уларнинг мулоқот маданиятига эгалликлари даражасини баҳолаш.

Педагогик тадқиқотларни олиб боришда талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришга доир қуйидаги методик тавсиялар ишлаб чиқилди: ОТМда талабалар томонидан инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини фаол, самарали ривожлантириш жараёнида сифат, самарадорликка эришиш мақсадида инглиз тилида равон, тил қоидаларига мувофиқ сўзлаша оладиган талабалардан иборат волонтерлар гуруҳларини шакллантиришга эришиш; шакллантирилган волонтерлар гуруҳлари ёрдамида турли йўналишларда фаолият юритаётган ОТМда “Ёшлар мулоқот клублари”ни ташкил этиш; волонтерлар гуруҳлари томонидан турли ОТМнинг талабалари ўртасида Telegram, Facebook ижтимоий тармоқларда алоҳида саҳифа очиш асосида инглиз тилига асосланган мулоқот жараёнларининг уюштирилишини йўлга қўйиш; Telegram, Facebook ижтимоий тармоқларида шакллантириладиган саҳифага инглиз тилида самарали, фаол мулоқот қилиш қоидалари, шартларига доир материалларни изчил жойлаштириб бориш; волонтерлар томонидан доимий равишда талабалар ўртасида инглиз тилига асосланган мулоқот жараёнини тўғри, оқилона, фаол, самарали ташкил этилишига доир билимларни оммалаштиришга қаратилган тренинг ва ролли ўйинларни ташкил этиш.

“Этник маданий алоқалар фаоллашуви шароитида талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантириш методикасининг моҳияти” деб номланган иккинчи бобида талабаларнинг

инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантириш йўллари, омиллари, талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришнинг дидактик таъминоти (шакл, метод, восита ва технологиялари), онлайн муҳити – талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантириш муҳим омили эканлиги тўғрисида сўз юритилган.


Моҳиятига кўра шахсда муайян билим, кўникма, малака ва сифатни шакллантириш (ривожлантириш)нинг умумий педагогик асослари тадқиқ этилаётган жараённинг самарадорлигини таъминловчи йўللарни аниқлаш имкониятини яратади.

Талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришда қуйидаги йўллар самарали саналади (4-расм):



4-расм. Талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантириш йўллари

Талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантириш жараёнига самарали таъсир этувчи омиллар қуйидагилардан иборат деган хулосага келинди (5-расм):



5-расм. Талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантириш жараёнига таъсир этувчи омиллар

Тадқиқотни олиб бориш жараёнида мобил телефон, компьютер, ноутбук, нетбук ва Интернет тармоғи каби ахборот-коммуникация воситаларининг талабалар ҳаёти, ўқув-билиш фаолиятидаги ўрнини инобатга олган ҳолда талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришга қаратилган жараёнда улардан мақсадли, ўринли ва самарали фойдаланиш зарур, деган хулосага келинди.

Шу сабабли талабаларда инглиз тилида мулоқот маданияти, мулоқот малака ва кўникмаларини шакллантириш мақсадида Facebook ва Telegram ижтимоий тармоқларида “The art of communication” (“Мулоқот санъати”) номли саҳифа шакллантирилди. Талабалар орасида ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш кенг тарқалган мавжуд шароитда ушбу саҳифани шакллантириш педагогик, амалий-методик жиҳатдан самарали эканлиги кўп босқичли тажриба ишлари давомида тасдиқланди.

“The art of communication” (“Мулоқот санъати”) номли саҳифа шакллантиришдан кўзда тутилган асосий мақсад ижтимоий тармоқлар орқали талабаларда нафақат инглиз тили бўйича билим доирасини кенгайтириш, балки уларда оғзаки, ёзма нутқ кўникма ва малакаларини ривожлантиришдан иборат бўлди.

Диссертацияда юқорида айтиб ўтилган ижтимоий тармоқлардан бошқа Интернет тармоқлари фойдаланувчиларига қулайлик яратиш мақсадида талабаларда нутқ маданиятини ривожлантириш бўйича бир қанча материаллар Google Drive платформасига ҳам жойлаштирилган ҳамда мазкур платформа ўқув материаллар, Doc ва PDF форматидаги китоб ва мақолалар, презентация, аудио ва видео материалларни юклаш ва сақлаш имконини бериши ёритилган. Google Drive платформасида яратилган Инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантириш бўйича материаллар билан мазкур илова орқали танишиш мумкин: <https://drive.google.com/drive/folders/1n9n8G1U-no8S2IK1rC35aVt1Rc47-Qcd>. Платформанинг афзаллиги шундаки, унга юкланган материалларни компьютерга осонлик билан кўчириб олиш, улардан фойдаланиш ва уларга ўзгартириш киритиш имконини беради.

Мазкур саҳифага юқорида кўрсатиб ўтилган илова орқали ўтиб, мавзу бўйича яратилган папкаларни кўриш мумкин. Улар:

1. “English for customs” (“Божхона ходимлари учун инглиз тили”).
2. “The art of communication” (“Мулоқот санъати”).
3. Диссертантнинг илмий иши.
4. Инглиз тилига асосланган мулоқот маданияти.
5. “Ўқитувчилар учун” деб номланади.

Тадқиқотни олиб бориш даврида талабаларни Интернет тармоғининг Facebook ва Telegram ижтимоий тармоқларида шакллантирилган “The art of communication” (“Мулоқот санъати”) саҳифаси материаллари билан таништириш, ўқитувчи томонидан бериладиган амалий топшириқларни

бажаришга йўналтириш мақсадида улар учун “Мулоқотнинг онлайн муҳити” номли технология асосланди. Мазкур технология ўз моҳиятига кўра нафақат талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришга хизмат қилади, шу билан бирга улар кейинчалик касбий фаолиятда бу каби ижтимоий тармоқлар хизматидан ўқувчиларга билим беришда ҳам фойдаланиш малакаларига эга бўлишини таъминлайди.

“Мулоқотнинг онлайн муҳити” технологиясининг мақсади талабаларда Интернет тармоғининг Facebook, Telegram ижтимоий тармоқларининг функционал имкониятларидан фойдаланган ҳолда талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришдан иборат. У ёрдамида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади: талабалар Интернетнинг Facebook ва Telegram ижтимоий тармоқларининг функционал имкониятларига оид назарий билимларини мустақамлаш; респондент-талабаларда мустақил равишда Telegram, Facebook ижтимоий тармоқларида гуруҳ ташкил этиш малакасини ривожлантириш; талабаларни Интернет тармоғи Facebook ва Telegram ижтимоий тармоқларида шакллантирилган “The art of communication” (“Мулоқот санъати”) саҳифаси материаллари билан таништириш; респондент-талабаларнинг “The art of communication” (“Мулоқот санъати”) саҳифасида ишлашга оид билимларини аниқлаш; талабаларнинг “The art of communication” (“Мулоқот санъати”) саҳифасида ишлаш кўникма-малакаларга эгалликларини аниқлаш; респондент-талабаларнинг Интернет тармоғининг Facebook ва Telegram ижтимоий тармоқларида шакллантирилган “The art of communication” (“Мулоқот санъати”) саҳифасида ишлашга оид билим ва малакалари даражасини баҳолаш.

“Онлайн тез ёрдам” технологияси талабаларда Интернет тармоғининг Facebook, Telegram ижтимоий тармоқларининг функционал имкониятларидан фойдаланган ҳолда инглиз тилига асосланган мулоқот жараёнини ташкил этишда талабалар дуч келадиган қийинчиликларни тезкор аниқлаш ва уларни дастлабки бартараф этишдан иборат. У қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилади:

Талабаларни “The art of communication” (“Мулоқот санъати”) саҳифаси орқали инглиз тилига асосланган мулоқот жараёнини ташкил этишда талабалар дуч келадиган қийинчиликларни тезкор аниқлаш;

Респондент-талабалар дуч келган мавжуд қийинчиликларни дастлабки бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш; ;

“The art of communication” (“Мулоқот санъати”) саҳифаси орқали инглиз тилига асосланган мулоқот жараёнини ташкил этишда талабалар дуч келадиган қийинчиликларни бартараф этишда биринчи амалий (клиник) ёрдам кўрсатиш.

Мақсади инглиз тилига асосланган мулоқот жараёнида оғзаки ва ёзма нутқни ифодалашда талабалар дуч келадиган қийинчиликларни уларни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирларни белгилаш (клиник

даволашни ташкил этиш) бўлган “Мулоқот клиникаси” технологияси ёрдамида куйидаги вазифалар ўз ечимини топади: талабалар билан бевосита мулоқот асосида инглиз тилига асосланган мулоқот жараёнида оғзаки ва ёзма нутқни ифодалашда улар дуч келаётган қийинчиликларни келтириб чиқарувчи омилларни савол-жавоб методи ёрдамида ўрганиш (ташхислаш); респондент-талабалар дуч келган мавжуд қийинчиликларни келтириб чиқарувчи омиллар тўғрисида тўла тасаввурга эга бўлиш (ташхис натижаларига кўра даволаш, яъни, камчиликларни бартараф этиш турини белгилаш); инглиз тилига асосланган мулоқот жараёнига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш йўллари белгилаш (клиник даволашга киришиш); белгиланган чора-тадбирлар (лойиха)ни “The art of communication” (“Мулоқот санъати”) саҳифасига жойлаштириш.

Диссертациянинг учинчи – **“Этник маданий алоқалар фаоллашуви шароитида талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришга оид тажриба-синов ишлари мазмуни”** деб номланган бобида талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришга доир тажриба-синов ишларининг мақсади, босқичлари, натижалари, таҳлили ва самарадорлик кўрсаткичлари тўғрисида сўз юритилган.

Тадқиқот доирасида танланган муаммо моҳиятига таянган ҳолда педагогик тажриба дастури ишлаб чиқилди. “Талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантириш” номли ушбу дастурда тажриба-синов ишининг умумий моҳияти батафсил баён этилган (1-жадвал):

1-жадвал. Педагогик тажриба дастурининг мазмуни

№	Мавзулар	Назарий	Амалий
1.	Этник маданий алоқалар ва уларнинг фаоллашуви шароитида инглиз тилининг ўрни	Давра суҳбати	Видео дарс
2.	Инглиз тилида мулоқотни тўғри ташкил этиш шартлари	Маъруза	Маҳорат дарси
3.	Талабаларни инглиз тилида мулоқотни самарали ташкил этишга ўргатиш йўллари	Амалий семинар	Тренинг
4.	Инглиз тилига асосланган мулоқотни самарали ташкил этишга оид халқаро ва маҳаллий тажрибалар	Конференция	Онлайн мулоқот
5.	Талабаларни инглиз тилига асосланган мулоқотни самарали ташкил этишга ўргатишнинг шакл, метод, восита ва технологиялари	Амалий семинар	Амалий ўйин

Дастур асосида “Этник маданий алоқалар фаоллашуви шароитида талабаларнинг мулоқот маданиятини ривожлантириш (инглиз тили мисолида)” номли дастур ғояларини амалиётга татбиқ этиш механизми ишлаб чиқилди (2-жадвал):

**2-жадвал. Тажриба-синов иши дастури ғояларини
амалиётга татбиқ этиш механизми**

Тажрибавий фаолият				
№	Устувор ғоялар	Шакллари	Методлари	Воситалар
1.	Этник маданий алоқалар ва уларнинг фаоллашуви шароитида инглиз тилининг ўрни	Давра суҳбати. Видео дарс	Кейс-стади. Виртуал намойиш	Электрон доска
2.	Инглиз тилига асосланган мулоқотни тўғри ташкил этиш шартлари	Маъруза. Маҳорат дарси	Маъруза. Намойиш. Имитациялаш Интерфаол методлар	Такдимот. Мобил телефон
3.	Талабаларни инглиз тилига асосланган мулоқотни самарали ташкил этишга ўргатиш йўллари	Амалий семинар. Тренинг	Имитациялаш Машқ. Интерфаол методлар	Электрон доска. Плакат. Маркер
4.	Инглиз тилига асосланган мулоқотни самарали ташкил этишга оид халқаро ва маҳаллий тажрибалар	Конференция. Онлайн мулоқот	Маъруза. Намойиш. Оғзаки суҳбат. Ёзма суҳбат. Интерфаол методлар	Такдимот. Интернет тармоғи. e-mail. Telegram. Facebook
5.	Талабаларни инглиз тилига асосланган мулоқотни самарали ташкил этишга ўргатишнинг шакл, метод, восита ва технологиялари	Амалий семинар Амалий ўйин	Намойиш. Оғзаки суҳбат. Ёзма суҳбат. Интерфаол методлар	Такдимот. Интернет тармоғи. E-mail. Telegram. Facebook. Portfolio

Тадқиқотни олиб боришда этник маданий алоқалар фаоллашуви шароитида инглиз тилига асосланган талабаларнинг мулоқот маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган жараён самарадорлигини аниқлаш мақсадида қуйидаги мезонлар ишлаб чиқилди: инглиз тилига асосланган мулоқот жараёнини самарали ташкил этишнинг назарий асосларидан хабардорлик; амалий жиҳатдан инглиз тилига асосланган мулоқот жараёнини самарали ташкил эта олиш; инглиз тилига асосланган мулоқот жараёнини изчил ташкил этиш мақсадида ўз устида ишлаш кўникмаларига эгалик; мулоқот маданиятига эгалик.

Мезонлар асосида қуйидаги даража кўрсаткичлари белгиланди:

Юқори (креатив; мукамал даража) – инглиз тилига асосланган мулоқот жараёнини самарали ташкил этишнинг назарий асосларидан етарли даражада хабардор, амалий жиҳатдан инглиз тилига асосланган мулоқот жараёнини самарали ташкил этишга ҳаракат қилади, инглиз тилига асосланган мулоқот жараёнини изчил ташкил этиш мақсадида ўз устида ишлашга эътибор қаратади, тегишли жараёнда мулоқот маданиятига эгалиги тўла намоён бўлади.

Ўрта (қисман-изланувчан; эркин мулоқот даражаси) – инглиз тилига асосланган мулоқот жараёнини самарали ташкил этишнинг назарий асосларидан зарур даражада хабардор, амалий жиҳатдан инглиз тилига асосланган мулоқот жараёнини самарали ташкил этишга ҳамда ўз устида ишлашга ҳаракат қилади, бироқ, бунда айрим қийинчиликларга дуч келади, тегишли жараёнда мулоқот маданиятига эгаллиги қисман намоён бўлади.

Паст (продуктив ва репродуктив; таянч ва мустақил мулоқот даражаси) – инглиз тилига асосланган мулоқот жараёнини самарали ташкил этишнинг назарий асосларидан кам даражада хабардор, амалий жиҳатдан инглиз тилига асосланган мулоқот жараёнини самарали ташкил этишга ҳаракат қилмайди, ўз устида ишлашга эътибор қаратмайди, мулоқот маданиятига эгаллиги тегишли жараёнида намоён бўлмайди.

Таълимий тажриба даврида, шунингдек, респондент-талабаларнинг этник маданий алоқалар фаоллашуви шароитида инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришга оид назарий тушунча, амалий кўникма ва малакаларга эгалликлари қайта ўрганилди. Олинган натижалар асословчи ва таъкидловчи тажриба натижалари бўйича умумлаштирилди. Умумлаштирилган маълумотлар қуйидаги диаграммалар (1- ва 2-диаграмма) да ўз ифодасини топди:



2-диаграммадан англаниддек, таълимий тажриба даврида тажриба ва назорат гуруҳлари бўйича қайд этилган миқдор кўрсаткичлар асосида талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятига эгаллик даражаси бўйича гуруҳлар ўртасидаги сезиларли фарқлар кўзга ташланади.

Педагогика ва психология йўналишида амалга ошириладиган тажриба-синов ишларининг ҳаққонийлиги олинган натижалар бўйича математик-

статистик таҳлилни амалга ошириш асосида баҳолаб келинади. Ушбу анъанага кўра асословчи тажриба вақтида назорат гуруҳларида қўлга киритилган кўрсаткичлар ўртасидаги фарқни топиш орқали мавжуд ҳолатни сифат жиҳатдан баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли ҳар икки гуруҳдаги фарқларнинг мавжудлигини баҳолаш мақсадида математик-статистик таҳлил амалга оширилди. Математик-статистик таҳлил учун Стъюдент-Фишер критерияси (методи) қабул қилинди. Мазкур методнинг танланишига сабаб, Стъюдент-Фишер критерияси тажриба ва назорат гуруҳларида қайд этилган кўрсаткичлари ўртасидаги коэффицентни топишга имкон яратади.

Кўрсатилган танланмалар учун мос келувчи кўрсаткичлар 2-диаграммадан олинди ва қуйидаги жадвал шакллантирилди (3-жадвал):

3-жадвал. Математик-статистик таҳлил қийматлари

Тажриба гуруҳлари	X	$(X)^2$	X	S_T^2	S_T^2/n
	4	16	16,29	0,29	0,002
Назорат гуруҳлари	Y	$(Y)^2$	Y	S_H^2	S_H^2/n
	3,7	13,69	14,67	0,98	0,007

$X - Y = 0,29 - 0,98 = - 0,69$. Ҳосил бўлган қиймат ишончлилик оралиғига тушмайди. Бу эса олинган натижаларга кўра, бошланғич (H_0) фараз рад этилиб, муқобил фараз (H_1) яъни, $x > y$ қабул қилинади. Демак, математик-статистик таҳлил натижалари тажриба-синов ишларининг муваффақиятли ташкил этилганлигини тасдиқлайди. таъкидловчи тажриба даврида тажриба ва назорат гуруҳлари бўйича қайд этилган миқдор кўрсаткичлар асосида талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятига эгалик даражаси бўйича гуруҳлар ўртасидаги фарқлар таҳлил қилинганда сифат кўрсаткичи 16,4 фоизни ташкил этди. Бу эса тадқиқотнинг самарали ташкил этилганлигидан далолат беради.

ХУЛОСА

ОТМларда талабаларда инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришга қаратилган педагогик фаолиятнинг ижтимоий-маданий тараққиётга мослик, миллий ахлоқ ғояларга мувофиқлик, тил қоидаларига асосланганлик, мақсадга мувофиқлик, йўналтирилганлик, ўринлилик, коммуникативлик, интерфаоллик, ҳиссий-ифодавийлик, онлайн мулоқот, волонтерлик ва рефлексивлик каби устувор тамойилларга асосланиши аниқланди.

www.englishcentral.com, www.usalearns.org, www.englishpage.com,
www.eslcafe.com, www.lets-talk-in-english.com, www.englishclub.com,
www.listen-and-write.com, www.menglishpages.com, www.newslevels.com,
www.languageguide.org/english, www.fraze.it каби Интернет сайтларининг эса талабалар томонидан турли шароитларда ўқитувчи раҳбарлигида ёки мустақил равишда инглиз тилига асосланган мулоқот маданияти сифатларини ўзлаштиришга амалий ёрдам бериш имкониятига эгаллиги аниқланди.

ОТМ фаолиятини ўрганиш, амалиётни таҳлил қилиш этник маданий алоқалар фаоллашуви шароитида талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантириш борасида ҳал этилиши зарур бўлган (талабаларга инглиз тилида мулоқотни ташкил этиш асосларини тарғиб қилувчи Интернет сайтлари, компьютер дастурлари тўғрисидаги маълумотларни бериш; уларнинг инглиз тилида мустақил мулоқот қилиш кўникмаларини ривожлантириш; уларда инглиз тилида эркин ва мукамал мулоқот қилиш малакаларини ҳосил қилиш) вазифалар мавжудлигини кўрсатди.

Халқаро таълимий алоқалар, ОТМ ахборот-ресурс марказларининг фаолияти, хорижий тажрибалар, ўқув курсларининг ҳиссаси, онлайн муҳит ҳамда талабаларнинг тил ўрганишга субъектив ёндашуви, билиш даражаси талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришга самарали таъсир этадиган омиллар эканлиги аниқланди.

Талабаларнинг мулоқот маданиятини ривожлантиришда маъруза, амалий машғулот, семинар, лаборатория машғулоти, мусобақа, тренинг, ўйинлар, ўқув томошалари самарали натижа бериши ҳамда талабаларнинг мулоқот маданиятини ривожлантириш жараёнида улардан ўринли, мақсадли, фаол, самарали ва изчил фойдаланишга эътибор қаратиш лозимлиги аниқланди.

Талабаларда инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришда интерфаол методлардан фойдаланиш уларнинг ўқув-билиш фаоллигини таъминлайди. Талабаларда жуфтликда, кичик гуруҳларда ва жамоада фаол мулоқотни ташкил этиш кўникмаларини ривожлантириб, малакаларга айланиши таъминлаш талабаларда фикрлаш малакаларининг ривожланиши учун зарур шароит яратиши аниқланди.

Замонавий ахборот-коммуникацион технологияларнинг функционал имкониятларидан фойдаланган ҳолда уларда инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришга имкон берадиган онлайн муҳит яратилди, ҳамда Telegram, Facebook ижтимоий тармоғидаги “The art of communication” (“Мулоқот санъати”) номли саҳифада берилган электрон материаллар талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришга қаратилганлиги кўрсатилди.

Тажриба-синов ишларини муайян тартибда ва дастур асосида ташкил этилиши ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлабгина қолмай, шу билан бирга талабаларнинг этник маданий алоқалар фаоллашуви шароитида инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини самарали ўзлаштириш борасидаги назарий билим ҳамда амалий кўникма ва малакаларга эга бўлишларини таъминланди.

Таълимий тажриба босқичида тажриба ва назорат гуруҳларида синовгача ва синовдан кейин олинган натижаларнинг таҳлили қилинган натижага эришганликни тасдиқлади. Яъни, тажриба гуруҳларининг респондент-талабаларининг этник маданий алоқалар фаоллашуви шароитида инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ўзлаштиришга оид назарий билим, амалий кўникма ва малакалари даражаси сезиларли даражада (сифат кўрсаткичи 16,4 фоизга) ўсди. Бу ҳолат якуний босқич тажриба-синов ишлари натижаларини Стьюдент-Фишер критерияси асосида статистик таҳлил қилиш юқоридаги хулосанинг ҳаққонийлигини тасдиқлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ШИРМАТОВ СИРОЖИДДИН ТАДЖИДИНОВИЧ

**СОДЕРЖАНИЕ РАЗВИТИЯ КУЛЬТУРЫ ОБЩЕНИЯ СТУДЕНТОВ
В УСЛОВИЯХ АКТИВИЗАЦИИ ЭТНОКУЛЬТУРНЫХ СВЯЗЕЙ
(на примере английского языка)**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована за B2017.2.PhD/Ped145 Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете имени Низами.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.tdpu.uz) и информационно-образовательном портале ZIYONET (www.ziyonet.uz)

Научный консультант:	Рузиева Дильноз Исомжоновна доктор педагогических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Ахмедова Лайло Толибжановна доктор педагогических наук, профессор Жуманазаров Умид Умирзакович доктор философии (PhD) по педагогическим наукам
Ведущая организация:	Самаркандский государственный университет иностранных языков

Защита диссертации состоится «10» декабря 2020 года в 9⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc:03/30.01.2020.Ped.26.01. при Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за номером _____). Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Автореферат диссертации разослан «30» ноября 2020 года.
(протокол рассылки № _____ от _____ 2020 года).

Р.Х.Джураев
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор, академик

Р.Г. Исянов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.п.н., доцент

А.Х.Махмудов
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.п.н.



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В условиях интернационализации образования и активизации этнокультурных связей в мире, в учебный процесс внедряются креативные технологии развития культуры общения у студентов. В нацеленной на 2014-2021 годы “Стратегии средней скорости” (“Medium-Term Strategy for 2014-2021”) в рамках “Декларации тысячелетия” ООН в данное время проводятся систематические работы по активизации процесса обучения, повышения уровня образования, динамичного повышения профессиональной компетентности будущих специалистов на основе разработки единых требований к профессиональной подготовке кадров.

В условиях активизации этнокультурных связей в высших учебных и научно-исследовательских заведениях мира проводятся научно-исследовательские работы по развитию культуры общения на основе английского языка, использованию возможностей студентов в межличностном общении, развитию толерантности в социальных субъектах посредством общения. Вместе с тем, проводятся исследования по выявлению перспективных направлений для развития культуры общения у студентов, обмена знаниями и обучающимися между различными учебными заведениями, усовершенствование стандартов, мониторинга прогресса в достижении образовательных целей.

В нашей стране созданы нормативные основы внедрения эффективной системы обучения иностранным языкам на основе международных квалификационных требований, формирования материально-технической базы для подготовки конкурентоспособных кадров, развития у студентов эффективных навыков общения на английском языке в сотрудничестве с престижными зарубежными университетами мира. В “Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы” принятым Президентом Республики Узбекистан приоритетным направлением определено “образование высокообразованного и интеллектуально развитого поколения, создание резерва компетентных научно-педагогических кадров в высших учебных заведениях”¹, что создает достаточные условия для развития культуры общения студентов.

Данная диссертация в определенной степени служит выполнению задач, сформулированных в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 20.04.2017 г. № ПП-2909 “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования”, Постановлении Президента Республики Узбекистан от 27.02.2020 г. № ПП-4623 “О мерах по дальнейшему развитию сферы педагогического образования”, Указе Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 г. № УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, Указе Президента Республики Узбекистан от 08.10.2019 г. № УП-5847 “Об утверждении

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» №УП 4947 от 07.02.2017 г.

концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030”, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 08.05.2013 г. № 124 “Об утверждении Государственного образовательного стандарта по иностранным языкам системы непрерывного образования”, “Обращении Президента Республики Узбекистан к Олий Мажлису Республики Узбекистан” (25 января 2020 года) и Концепции “Развитие системы высшего образования до 2030 года”.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках направления развития науки и технологий № 1 “Нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, развитие инновационной экономики”.

